

ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ №44

2022 й. «20» 10

297-1-18-ОВ/2022-
сон

Балиқчи ш.

Балиқчи туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси номидан кейинги ўринларда «Буюртмачи» - деб юритилувчи, бошқарма бошлиғи У.Т.Ботиров бир томондан, «YO`L LOYIXA SERVICE» МЧЖ номидан корхона Низоми асосида директор **Х.Омурзаков** иккинчи томондан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилувчи, қуйидаги шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Ижрочи Буюртмачининг топшириғи билан қуйидаги: Балиқчи туман Шеробод МФЙ ҳудуда жойлашган "Ғ.Ғулом" кучасининг амалга ошириладиган қўрилиш ишларини лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш ишларини бажаради. (**etender.uzex.uz**даги лот рақами **22110012161747**)

1.2. Кўрсатиладиган хизматларга нисбатан қўйиладиган иқтисодий, техник, ташкилий ва бошқа талаблар:

-Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтганидан сўнг кўчга киради ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

-Шартноманинг умумий қиймати 23 500 000 (йигирма уч миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади ҚҚСсиз (қўшилган қиймат солиғисиз)

(ҳисоб-китоблар, буюртма, ишлар режаси ва ҳоказоларга асосан)

2. ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачи шартномавий баҳо тўғрисидаги баённомага мувофиқ 23 500 000 (йигирма уч миллион беш юз минг) сўм, шу жумладан, олдиндан тўлов тартибида мазкур сумманинг 30 фоизини 7 050 000 (етти миллион эллик минг) сўм миқдорида тўлайди.

2.3 Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.4. Ижрочининг ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни кўрсата олмаган тақдирда, Буюртмачи Ижрочиға унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда Ижрочининг хизматлар кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади.

2.5. Буюртмачининг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмайд қолган тақдирда, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

3. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

3.2. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

3.3. Хизмат натижаларидан қониқмаган Буюртмачи далолатномани олган пайдан бошлаб 10 кун ичида Ижрочига хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

3.4. Буюртмачининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома тузадилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

3.5. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочини хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

4.1. Ижрочи ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, у келтирган зарарни Буюртмачига тўлиғича тўлаши шарт, лекин бу тўлов ушбу шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.2. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

4.3. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар жавобгар жойлашган анзилдаги иктсодий суд орқали ҳал этилади.

5. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун

хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

5.3. Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шарти билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5.4. Ижрочи ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шарти билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

6. Коррупциявий омиллар

6.1. Томонлар, уларнинг кафилланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда иккинчи томоннинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар таклиф қилиши, бериши, тақдим этиши тақиқланади.

6.2. Томонлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар тақдим этиш бўйича таклифини рад қилиши лозим.

6.3. Агар шартнома иштирокчиларида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупсион ҳаракат содир этилганилиги тўғрисида маълумот, шубҳа, шубҳага асос бўлувчи далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи томонга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади.

6.4. Хабарни олган томон ҳақиқатда коррупсион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиққа эга бўлгунича ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

6.5. Пора бериш эвазига иккинчи томон вакилини, аффилланган шахсини, ходимини ёки шартноманинг бошқа иштирокчиларини шартнома шартларини бажаришда ўзига оғдириб олган томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

7. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

Ижрочи:

«YO'L LOYIXA SERVICE» МЧЖ
Манзил: Андижон шаҳар, Фитрат
кучаси 4-уй
х/р:20208000605474124001,
МФО: 00440
"Узсаноатқурилишбанк" "Бунёдкор"
амалиёти бўлими
СТИР: 309163202

Рахбар:  Х.Омурзаков



Буюртмачи:

Балиқчи туман ҳокимлиги
Ободонлаштириш бошқармаси
Манзил: Балиқчи тумани, Марказ
МФЙ, Шифокорлар кучаси 1 уй
х/р:23402000300100001010,
МФО: 00014
Марказий Банк Тошкен ш ХККМ ББ
ш/х/р
401722860032067045204110003
СТИР: 200261858

Рахбар: _____ У.Ботиров





XALQ DEPUTATLARI BALIQCHI TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 24 - sentabr

VI-32-54-1-18-K/22

Baliqchi tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет”
ахборот портали орқали фуқаролар томонидан 2-мавсумда билдирилган
таклифларга овоз бериш бўйича ғолиб деб топилган тадбирлар учун
маблағ ажратиш тўғрисида**

Маҳаллий бюджет маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши устидан депутатлар назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги

КҚ-213-IV-сонли қарорига ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 2022 йил 20 сентябрь куни КҚ-406-IV-сонли “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қарорларига кўра Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24–моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши;

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Жорий йил 15 июлдан 8 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг openbudget.uz расмий веб сайти орқали фуқаролар томонидан 2-мавсумда турли маъзмундаги жами 202 та таклифлар билдирилганлиги, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори билан

тасдиқланган ишчи комиссия томонидан таклифларнинг белгиланган мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирлар амалга оширилиши имкониятларини ўрганган ҳолда ишчи комиссия таклифлар бўйича ҳар бир тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағнинг дастлабки миқдори аниқланиб 202 та таклифлар кўриб чиқилди. Белгиланган мезонлар асосида танлаб олиш (модерация) жараёнидан уларнинг 165 таси қабул қилинди. Қабул қилинган таклифлар овоз бериш жараёнига ўтказилди. 37 та таклиф эса рад этилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” (openbudget.uz) расмий веб сайти ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга жорий йилнинг 24 август кунидан 17 сентябрь кунига қадар овоз бериш жараёнлари ўтказилди. Овоз бериш жараёнида 6 та таклиф энг кўп овоз йиғиб ажратилган маблағ доирасида ғолиб деб топилганлиги бўйича туман молия бўлими мудирини вази фасини вақтинча бажарувчи Х.Мухаммаджоновнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” (openbudget.uz) расмий веб сайти ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга жорий йилнинг 24 август кунидан 17 сентябрь кунига қадар овоз бериш жараёнлари ўтказилганлиги ва ушбу жараёнда 6 та таклифлар:

- Шеробод МФЙ Ғ.Ғулом кўчасини асфальтлаш 4218 та овоз билан;
- 15-сонли мактаб ҳудудига спорт зал қуриш 3505 та овоз билан;
- Чинобод КТМП биносини таъмирлаш 2564 та овоз билан;
- 43-сонли мактаб биносини таъмирлаш ва жихозлаш 1652 та овоз билан;
- 37-сонли мактаб биносини таъмирлаш ва жихозлаш 1509 та овоз билан;
- Яккат-тоғ МФЙдаги “Ойчилик” дам олиш масканини таъмирлаш 1278 та энг кўп овоз йиғиб ажратилган маблағлар, яъни 6 млрд 147 млн. сўм маблағ доирасида ғолиб деб топилганлиги тасдиқлансин;

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” (openbudget.uz) расмий веб сайти ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга кўра ғолиб деб топилган йўналишларга туман молия бўлими мудирини в.в.б Х.Мухаммаджоновнинг жавобгарлиги остида 1-иловга мувофиқ жами 6 млрд. 147 млн. сўм маблағлар

ажратилишини таъминласин;

4. Моддий қийматликлар (хизматлар)ни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар 2 ва 3 иловаларга мувофиқ амалга оширилсин.

5. Туман молия бўлими (Х.Мухаммаджонов) ҳамда туман ғазначилик бўлинмаси (Л.Солиев)га “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1-иловага мувофиқ маблағларни тегишли тартибда ажратилишини ҳамда ўрнатилган тартиблар асосида молиялаштирилишини ҳамда “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағларни тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан мақсадли сарфланишини назоратини таъминласинлар.

6. Ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши учун “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида иш ташкил этилсин ва 4-иловага мувофиқ ҳарид комиссияси тасдиқлансин.

7. Харид комиссияси ва туман молия бўлими (Х.Мухаммаджонов)га ҳар чорак якуни бўйича халқ депутатлари туман Кенгашига маблағларни ажратилиши, сарфланиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича ахборот бериб бориш вазифаси юклатилсин.

8. Балиқчи туман ҳокимлиги матбуот хизмати (М.Каримов), туман “Ғалаба газетаси (Ш.Каримова) жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросининг таъминлаш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (С.Рахимов), туман ҳокимнинг ўринбосари (М.Маматов)лар зиммаларига юклатилсин.

10. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Baliqchi tuman hokimi



J.Abdurayimov

Xalq deputatlari Baliqchi tuman
Kengashining
2022 yil 24 sentabrdagi
VI-32-54-1-18-K/22-son qaroriga
1-ilova

**"Очиқ бюджет" ахборот портали орқали Baliqchi туманида 2022 йил
2-мавсум сентябрь ойида ғолиб деб топилган тадбирларни
молиялаштириш бўйича**

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

№	ИД	Балансда сақловчи	Лойиҳанинг қисқача номи (<i>Ғолиблар тўғрисида маълумотлар</i>)	Ажратилади-ган маблағ (млн, сўм)	Буюртмачи
1	0300600041	Туман ободонлаштириш бошқармаси	Балиқчи туман Шеробод МФЙ Ғ,Ғулом кучасини асфалтлаш керак	1 200,0	Туман ободонлаштириш бошқармаси
2	0300600130	Халқ таълими	Балиқчи тумани 15-мактаб худудида спорт зал мавжуд эмас қиш кунлари ўқувчилар дарс машгулотлари ва спорт тўғарақларида қийинчилик бор	1 200,0	Халқ таълими
3	0300600042	Тибиёт бирлашмаси	Балиқчи тумани Ифтихор МФЙ ойдин кўчасида жойлашган Чинобод куп тармоқли марказий поликникасини тамирлаб берса аҳоли бундан жуда жуда хурсанд булар еди	850,0	Тибиёт бирлашмаси
4	0300600115	Халқ таълими	ХТБ қарашли 43-мактабнинг ташки кўриниши тамирлаш, иситиш тизимини тамирлаш, 1- қаватни кафел қилиш ва синф жихозлари учун	1 200,0	Халқ таълими
5	0300600024	Халқ талими	Балиқчи тумани 37-умумий ўрта таълим мактабида хоналарни эшик деразаларини ва 6 та синф хонани полини янгилаш, Қўшимча жихозлар билан тамирлаш учун; синф хоналарга кузатув камераси 6 та синф хоналарига парта стуллар ва ўқитувчи стол-стули, 4 та интерактив доска, 4 та проектор, ўқитувчилар хонаси усун 1 та айлана стол, 4 та китоб жавони, 20 та стул	797,0	Халқ талими
6	0300600108	Туман маданият бўлими	Якка-тол МФЙдаги ойчулик дам олиш масканини ремонт қилиш ва обод қилиш	900,0	Туман маданият бўлими
x			Жами	6147,0	x

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 161747 на приобретение Услуга, связанная с разработкой проектной документации

Способ проведения электронный

Дата 18.10.2022

Время рассмотрения 18.10.2022 14:17

Закупочная комиссия Баликчи тум. хок. Ободонлаштириш бош., (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SOLIBOYEV SHAXOBIDDIN SHAMSUTDINOVICH	Ukfdysq by:byth	Ободонлаштириш бошыармасы
Секретарь комиссии	ABDULLAYEV AXMADJON SULTONAXMEDOVICH	Омборчи	Ободонлаштириш
Член комиссии	QORABOYEV RAVSHANBEK MANNOPOVICH	Боғбон	Ободонлаштириш
Член комиссии	YO'LDOSHOV G'OLIBJON MIRODILLA YE VICH	Инженер	Ободонлаштириш
Член комиссии	XAMIDOV ZAFARJON OBIDJANOVICH	Инженер	Ободонлаштириш
Член комиссии	MAMAJONOV SHOKIRJON MIRKOMILOVICH	назоратчи	Ободонлаштириш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.10.2022 года № лота 161747.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга, связанная с разработкой проектной документации
Подробное описание	Услуга, связанная с разработкой проектной документации
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	24 000 000.00
Стартовая сумма	24 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштрочиларни охирги уч йилдаги амалга оширган ишлари юзасидан маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштрочиларни охирги уч йилдаги амалга оширган ишлари юзасидан маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO'L LOYIXA SERVICE MCHJ	5	1	5	Экспертная		
ООО МИМАХ-ROAD	5	1	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Yol-loyiha byurosi MCHJ	5	юкланди	5	Экспертная		

Критерий №2 Иштрочиларни молиявий холати юзасидан маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштрокчиларни солик ва бошка туловларда карздорлиги мавжуд эмаслиги, молиявий холати тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO'L LOYIXA SERVICE MCHJ	5	1	5	Экспертная		
OOO MIMAX-ROAD	5	1	5	Экспертная		
Yol-loyiha byurosi MCHJ	5	юкланди	5	Экспертная		

Критерий №3 Ишчи ходимлари малакаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштрокчиларни ишчи-ходимлари мавжудлиги ва етралича малакаси борлиги, кераклиги маълумотларга эгалиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO'L LOYIXA SERVICE MCHJ	5	1	5	Экспертная		
OOO MIMAX-ROAD	5	1	5	Экспертная		
Yol-loyiha byurosi MCHJ	5	юкланди	5	Экспертная		

Критерий №4 Иштрокчиларни лойха-смета тайёрлашга доир керакли рухсатномаси борлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштрокчиларни лойха-смета тайёрлашга доир керакли рухсатномаси, лицензиялари ва х.к борлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO'L LOYIXA SERVICE MCHJ	5	1	5	Экспертная		
OOO MIMAX-ROAD	5	1	5	Экспертная		
Yol-loyiha byurosi MCHJ	5	юкланди	5	Экспертная		

Критерий №5 Малака

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштрокчилар лойха-сметалар таёралаш ва уларни экспертизадан утказишга доир камида 3 (уч) йиллик тажрибаси булиши лозим.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ	5	1	5	Экспертная		
ООО МИМАХ-ROAD	5	1	5	Экспертная		
Yol-loyiha byurosi MCHJ	5	юкланди	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
Yol-loyiha byurosi MCHJ	24 000 000.00	23 999 999.00 UZS	23 999 999.00	00.00	23 999 999.00	17.10.2022 18:05:50	0
YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ	24 000 000.00	23 500 000.00 UZS	23 500 000.00	00.00	23 500 000.00	13.10.2022 10:22:31	0
ООО МИМАХ-ROAD	24 000 000.00	14 400 000.00 UZS	14 400 000.00	00.00	14 400 000.00	17.10.2022 17:54:24	0

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
Yol-loyiha byurosi MCHJ	100	0	100
YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ	100	0	100
ООО МИМАХ-ROAD	100	0	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 161747 от 18.10.2022 года на приобретение Услуга, связанная с разработкой проектной документации определила победителем:

YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ
309163202

и резервный исполнитель: ООО МИМАХ-ROAD (306098110)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SOLIBOYEV SHAXOBIDDIN SHAMSUTDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	QORABOYEV RAVSHANBEK MANNOROVICH	Согласен	
Член комиссии	YO`LDOSHOV G`OLIBJON	Согласен	

	MIRODILLAYEVICH		
Член комиссии	XAMIDOV ZAFARJON OBIDJANOVICH	Согласен	
Член комиссии	MAMAJONOV SHOKIRJON MIRKOMILOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

YN1042263420

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **HAQ EVAZIGA XIZMAT KO‘RSATISH ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Balikchi TOB tomonidan 20.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Baliqchi tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



M.M.DADAXONOV

20.10.2022